

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 3 февраль • №5 (1389)

2022 ЙИЛ-ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожароҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, хуудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда асосий йўналишлар этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт муассасалари томонидан даврий тиббий кўрикларни йўлга қўйиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;

эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш;

хуудларда кўрсатилаётган

юқори технологик, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожароҳлик тиббий хизматлар кўламини ошириш;

бирламчи бўғиндаги мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш, соҳада илм-фанни ривожлантириш;

юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш.

2. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида аҳоли билан бевосита маҳаллада ишлайдиган «тиббиёт бригадалари» ва оилавий поликлиникалар родини тубдан ошириш ҳамда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб:

йилига бир марта 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг саломатлик профилини (овқатланиш характери, тамакига қарамлик, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) баҳолаш;

40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказиш;

юрак-қон томир касалликлари аниқланган беморларнинг

ягона электрон реестрини юритиш ҳамда ушбу турдаги касалликлари мавжуд «Ижтимоий химоя ягона реестри»да бўлган 200 мингдан зиёд аҳолига эналаприл (Enalapril) дори воситасини бепул тарқатиш;

эҳтиёжга кўра туман (шаҳар) шифохоналари лабораторияларини коагулометр ускунаси ҳамда зарур реактивлар билан тўлиқ таъминлаш йўлга қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармонида мувофиқ, юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, «Workout» (маҳалла ва кўча фитнеси) спорт турла-

рини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 104 миллиард сўмдан маблағлар ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари:

а) Туризм ва спорт вазирлиги (А. Каримов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) билан биргаликда:

ҳар йил якунида замонавий фитнес учун шароитга эга кўчаларни барпо этиш мақсадида намунали маҳаллалар рўйхатини шакллантириб борсин;

Давоми 2-бетда →

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФРАНЦИЯДА МАЛАКА ОШИРИШАДИ

Халқаро ҳамкорлик

Франция — тиббиёт соҳасида ҳам дунёнинг пешқадам мамлакатларидан бири. Шу сабабли бу ерга диагностика, терапевтик муолажалар ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун кўплаб давлатлардан беморлар келишади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Франция аҳолиси ўртасида юрак-қон томир касалликларидан ўлим кўрсаткичлари паст даражада. Буларнинг барчаси тиббиёт соҳасида ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш қанчалик муҳимлигини англатади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Франциянинг юртимиздаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Орелия Бушез хоним билан ўтказилган мулоқотда айни шу масалалар муҳокама этилди. Учрашув аввалида элчига пандемия даврида Франция давлати томонидан кўрсатилган амалий ёр-

дам, жумладан, коронавирусга қарши вакциналар берилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, Орелия Бушез хоним Франция соғлиқни сақлаш тизими бошқарувида алоҳида ўрин тутувчи «АР-НР» — Франциянинг давлат тиббиёт муассасалари ассоциацияси фаолияти ҳақида тўхталиб, ушбу тузилма билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни таклиф қилди. Таъкидланганидек, «АР-НР» нафақат Европа, балки бутун дунёдаги энг йирик шифохоналар тизимидир. У тиббиётнинг 52 йўналиши бўйича инновацион ечимлар асосида фа-

олият олиб боради. Ассоциацияга қарашли 44 та шифохонада 90 мингдан зиёд ходим йилига 5,8 миллион нафардан ортиқ беморга хизмат кўрсатади. Мулоқот чоғида ушбу ассоциация билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида англашув Меморандумини имзолашга келишилди. Бу эса тиббий суғурта, даволаш муассасаларини модернизациялаш, талабаларни ўқитиш, педиатрия, акушерлик-гинекология, гематология, онкология, офтальмо-

гия, шошилич ва тез тиббий ёрдам хизмати каби катор йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди. Қолаверса, соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув менежменти тамойилларини жорий қилиш, фармацевтика саноатини ривожлантириш ва бу соҳага инвестициялар киритиш, кадрлар малакасини ошириш, санитария хавфсизлиги соҳаларида ҳам Франция тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришга эҳтиёж юқори.

Яна бир янгилик: шу йилнинг баҳоридан Ўзбекистондаги тиббий лабораториялар ходимларининг Франция ҳукумати кўмагида ушбу давлатда малака оширишига келишилди. Бундан ташқари, мулоқотда нафақат Франция, балки жаҳон авиасозлик саноатида етакчи мавқега эга бўлган «Airbus» компаниясининг вертолётларидан келгусида мамлакатимиз шошилич тиббий ёрдам хизматида фойдаланиш масаласи юзасидан ҳам фикр алмашилди.

@ssvuz

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Жорий йилдан буйрак трансплантацияси операциялари барча вилоятларда амалга оширилади.

Бугун деярли барча мураккаб операциялар Ўзбекистоннинг ўзида ўтказилмоқда. Бу юртимизда ихтисослашган тиббиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар самараси.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида бу соҳни келгусида янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Улар қуйидагилар:

– *пойтахтда амалга оширилаётган юқори технологик операциялар вилоят ва туман даражасида амалга оширилади;*

– *бунинг учун бюджетдан 600 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 100 мингдан зиёд беморларда вилоятнинг ўзида юқори технологик операциялар бажарилди.*

– *Мисол учун, ўтган йили Тошкентда 229 нафар беморда буйрак трансплантацияси амалга оширилган бўлса, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида бундай имкониятдан 30 киши баҳраманд бўлди.*

– *Жорий йилда барча вилоятларда бундай операцияларни ўтказиш йўлга қўйилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Давоми. Боши 1-бетда»

ҳар йили туман ва шаҳарларда замонавий фитнес учун шароитга эга кўчалари мавжуд бўлган биттадан намуна маҳаллаларни ташкил қилсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов) билан биргаликда 2022 йил якунига қадар туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида юқумли бўлмаган касалликлар, шу жумладан юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари профилактикаси, ўз касаллигини доимий назорат қилиб бориш кўникмасини шакллантиришга қаратилган «Профилактика мактаблари»ни ташкил этсин.

Бунда, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналарини ташкил этиб, беморларни 35 турдаги тарқатма материаллар билан таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Х. Фозилов):

а) 2023 йил 1 январга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда тиббиётнинг бирламчи бўғинида фаолият юритувчи оилавий шифокорлар ишини соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавф-стратификациясини баҳолаш учун мобил илова яратиб, амалиётга татбиқ этсин;

асосланган ҳисоб-китоблар ҳамда эҳтиёжга кўра, туман (шаҳар) шифохоналарини 4 турдаги кардиология ускуналари билан жиҳозлаш ҳисобига кўрсатиладиган хизмат турлари 15 тага етказилишини таъминласин;

б) Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) ҳудудий филиалларида кардиология йўналишида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари турини босқичма-босқич 15 турдан 35 тургача оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022 — 2024 йилларда кардиология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашида кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2022 йилда:

«Соғлом турмуш тарзи» платформасидан фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларнинг сонини янада ошириш ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Ва-

зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини эҳтиёжга қараб коагулометр ускунаси ва зарур реактивлар билан таъминлаш ҳамда «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналарини ташкил этиш учун ҳар бир туман (шаҳар) бюджетларида 350 миллион сўмгача маблағ кўзда тутилишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида 4 турдаги кардиология ускуналари мавжудлиги юзасидан ҳатлов ўтказишни ҳамда зарур бўлган жиҳозларнинг хариди учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига марказлашган тартибда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 60 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров), Марказ (Х. Фозилов):

а) 2023 йил 1 январга қадар Марказ клиникасини кўп тармоқли клиника сифатида трансформация қилиш ва зарур бўлган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Бунда:

2023 йил 1 январга қадар Марказда юрак-қон томир касалликлари илмий тадқиқотлар лабораториялари ташкил қилинсин;

2022 йил 1 февралга қадар Молия вазирлиги (Ж. Аброев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафоев) билан биргаликда Марказнинг юрак қон-томир касалликлари илмий тадқиқотлар лабораторияларини замонавий тиббий ускуналар билан 1-иловага мувофиқ таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 5 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни йўналтириш чоралари кўрилсин;

превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика ва бошқа йўналишларда янги илмий тадқиқотлар учун замонавий лабораториялар ташкил этилсин ҳамда Марказда 15 дан зиёд юқори технологик амалиётларнинг йўлга қўйилиши таъминлансин;

б) икки ой муддатда юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари рўйхатини уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб босин;

в) 2022 йил 1 февралга қадар Марказнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд штатлар доирасида ҳудудий филиаллар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари лавозимини жорий этсин;

г) 2022 йил якунига қадар, кейинчалик эса ҳар йили Германия, Россия ва бошқа давлатларнинг нуфузли тиббиёт муассасаларида 30 нафардан кардиолог мутахассисларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Икти-

дорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан малакасини ошириш чораларини кўрсин;

д) 2023 йил якунига қадар Марказнинг барча ҳудудий филиалларида телемедицина ва телеметрия марказларини ташкил қилсин.

8. Қуйидагилар:

Кардиология хизматини 2022 — 2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ;

Кардиология хизматини 2022 — 2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг кардиология бўлинмаларини 2022 йилда тиббий ускуналар билан жиҳозлашга доир чора-тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолатларда ўткир коронар синдроми билан оғриган беморлар учун коронарография ва бирламчи стентлаш амалиётларини Марказнинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ҳудудий филиаллари, Туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ҳамда бошқа ангиограф ускунаси мавжуд даволаш-профилактика муассасаларида Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш;

бир миллион ва ундан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи Туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини ангиограф ускунаси билан таъминлаш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев) билан биргаликда икки ой муддатда юқори технологик кардиожарроҳлик амалиётлари учун ишлатиладиган бир марталик сарфлов воситалари ҳамда тромб эритувчи дори воситаларини республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уларни узлуксиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов):

а) икки ой муддатда оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда фаолият юритувчи ҳамшираларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, шифокоргача ўтказиладиган тиббий кўрик турларини кўпайтириш орқали уларнинг функцияларини кенгайтириш;

б) 2022 йил якунига қадар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Х. Акилов), Марказ (Х. Фозилов) билан биргаликда:

тиббиёт бригадаларининг 14 минг нафар оилавий шифокорларини касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш, даволаш ва бирламчи ёрдам кўрсатишга ўқитиш;

хорижда тажриба орттирган хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликда бирламчи бўғиндаги 500 нафар мутахассисларни кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда барча оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда шифокор олди кўрик хоналарини ташкил қилиш ҳамда 15 минг нафар ҳамширани махсус курсларда ўқитиш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бирламчи бўғиндаги мутахассисларни кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш учун харажатларнинг 50 фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Иктидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини кўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармасидан, қолган 50 фоизи маҳаллий бюджетдан қоплаб берилишини таъминласин.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш бўйича соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва жамоатчиликка етказиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 январь.

КАРДИОЛОГИЯ РИВОЖИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Мутахассис шарҳи

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда келиб чиқаётган ўлимларнинг асосий қисmini юрак-қон томир касалликлари ташкил этади. Айти кунда ушбу касаллик бизнинг мамлакатимизда ҳам ошиб бормоқда. Кун кеча Президентимиз томонидан "Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши соҳадаги муаммоларга амалий ечим бўлди.



Халқчил қарорнинг долзарблиги

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда дунё аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларини ортиб бораётганини инкор эта олмаймиз. Шу жумладан, ушбу касаллик мамлакатимиз аҳолисини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Барчамизга маълумки, бу хасталик билан оғриган беморлар сони ошиб, ўлим ҳолатлари кайд этилмоқда. Бу ўлим ҳолатлари мамлакатимиз аҳолисининг 59 фоизига тўғри келмоқда. Албатта, бу жуда катта фойзга ташкил этилади.

Шундай экан, аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожаррохлик хизматлари сифатини яхшилаш, худудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш бугунги кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб келаётган эди. Ушбу долзарб масалаларнинг ечими сифатида Давлатимиз раҳбари кардиология соҳасига жиддий эътибор қаратиб, бу каби муаммоларнинг ечими сифатида "Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзоладилар. Бунинг маъносида соҳа тараққиётидаги тарихий ҳужжат десак хато бўлмайди. Ушбу ҳужжат билан нафақат соҳа олдидаги муаммолар, балки уларнинг ечими борасида, мавжуд камчилликларни баргараф этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, соҳа мутахассислари олдида бирламчи тиббиёт муассасалари томонидан даврий тиббий кўрикларни йўлга қўйиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш, худудларда кўрсатилаётган юқори технологик, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожаррохлик тиббий хизматлар кўламини ошириш, бирламчи бўғиндаги мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш, соҳада илм-фанни ривожлантириш, шунингдек, юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш каби энг муҳим асосий йўналишлар кўрсатиб берилди. Ва, албатта, бу йўналишлар асосида ҳал этилиши лозим бўлган қатор вазибалар ҳам қўйилди. Хусусан, 2022 йил якунига қадар туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида юқумли бўлмаган касалликлар, шу жумладан, юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари профилактикаси, ўз касаллигини доимий назорат қилиб бориш

кўникмасини шакллантиришга қаратилган "Профилактика мактаблари" ташкил этилади.

Республикада кардиологик хизмат турлари кенгайтирилади

Қарорнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Республикаимизнинг туман ва шаҳар миқёсида кардиологик хизмат турлари кенгайтирилиши белгилаб қўйилмоқда. Жумладан, 2023 йил 1 январга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавф-стратификациясини баҳолаш учун мобил илова яратилади. Туман ва шаҳар шифохоналарини 4 турдаги кардиология ускуналари билан жиҳозлаш ҳисобига кўрсатиладиган хизмат турлари 15 тага етказилади. Шу билан бирга, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг худудий филиалларида кардиология йўналишида юқори технологик жаррохлик амалиётлари тури босқичма-босқич 15 турдан 35 тургача оширилади. Президент қарорига кўра, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолатларда ўткир коронар синдроми билан оғриган беморлар учун **коронарография ва бирламчи стентлаш амалиётлари**: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг худудий филиалларида, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг худудий филиалларида, Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида ва бошқа ангиограф ускунаси мавжуд даволаш-профилактика муассасаларида Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказимиз юқори технологик имкониятларга эга бўлиб, энг мураккаб турдаги барча амалиётларни бажариш салоҳияти юқори. Шунингдек, марказнинг вилоятдаги барча филиаллари бугун ангиограф ускунаси билан тўлиқ таъминланган. Лекин шу кунга қадар Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ангиограф ускунаси мавжуд эмас эди. Президентимизнинг ушбу қароридан мазкур худудларда ҳам бу каби замонавий ангиограф ускуналарини харид қилиш бўйича маблағлар ажратилди.

Қувонарли жиҳати, Урганч, Наманган, Жиззах, Самарқанд ва Қарши вилоят филиалларида очик усулдаги жаррохлик амалиётлари йўлга қўйилган.

Қарордаги энг муҳим масала тиббиётнинг бирламчи бўғинини янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғинида **2022 йилдан бошлаб қўйидаги ислохотлар** амалга оширилиши кўзда тутилган. Йилига бир

марта 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг саломатлик профилини (овқатланиш характери, тамакига қарамлик, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) баҳоланади. **40 ёшдан ошган аҳоли** оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказилади. Юрак-

– 2022 йил 1 февралга қадар Марказнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд штатлар доирасида худудий филиаллар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари лавозими жорий этилади.

– 2022 йил якунига қадар, кейинчалик эса ҳар йили Германия, Россия ва бошқа давлатларнинг нуфузли тиббиёт муассасаларида **30 нафар-**



қон томир касалликлари аниқланган беморларнинг **ягона электрон реестрини юритиш** ҳамда ушбу турдаги касалликлари мавжуд "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да бўлган 200 минг нафардан зиёд аҳолига эналаприл (Enalapril) дори воситаси бепул тарқатилади. Эҳтиёжга кўра, туман ва шаҳар шифохоналари лабораториялари **коагулометр ускунаси ҳамда зарур реактивлар билан** тўлиқ таъминланади.

Кардиология маркази клиникаси кўп тармоқли клиникага айлантирилади

Мазкур меъёрий ҳужжатга асосан, **2023 йил 1 январга қадар** Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси кўп тармоқли клиника сифатида трансформация қилинади ва зарур бўлган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Жумладан:

– 2023 йил 1 январга қадар Марказда юрак-қон томир касалликлари **илмий тадқиқотлар лабораториялари** ташкил қилинади.

– 2022 йил 1 февралга қадар Марказнинг юрак қон-томир касалликлари **илмий тадқиқотлар лабораториялари** замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **5 миллион АКШ доллари эквивалентидаги** маблағлар йўналтирилади.

– **Превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика ва бошқа йўналишларда янги илмий тадқиқотлар** учун замонавий лабораториялар ташкил этилади ҳамда Марказда **15 дан зиёд юқори технологик амалиётлар** йўлга қўйилади.

Албатта, инсон саломатлиги ва унинг кадр-қимматини ўзида мужассам этган ушбу тарихий қарор кардиология соҳасининг келажак-истикболи учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ҳамидулла ТОШПҲЛАТОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

дан кардиолог мутахассисларнинг малака ошириши ташкил этилади.

– 2023 йил якунига қадар Марказнинг барча худудий филиалларида **телемедицина ва телеметрия марказлари** ташкил қилинади.

Кадрлар малакаси жиддий вазифа

Ҳар қандай соҳани бошқарувчи ва уни ривожланишига ҳисса қўшувчи кадрлар сиёсати Президент қароридан алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, уларни ўқитиш, тайёрлаш, касб малакасини оширишдан тортиб етук кадр бўлгунга қадар жараёнларнинг барчаси камраб олинган.

Қарорга асосан **2022 йил якунига қадар** тиббиёт бригадаларининг **14 минг нафар оилавий шифокорлари** касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш, даволаш ва бирламчи ёрдам кўрсатишга ўқитилади. Хорижда тажриба орттирган хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликда бирламчи бўғиндаги **500 нафар мутахассис кардиология ва лаборатория йўналишлари** бўйича қайта тайёрланади. Барча оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда шифокор олди кўрик хоналари ташкил қилинади ҳамда **15 минг нафар ҳамшира махсус курсларда ўқитилади**. Бирламчи бўғиндаги мутахассисларни кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш харажатларининг **50 фоизи** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жағфармасидан, қолган 50 фоизи маҳаллий бюджетдан қоплаб берилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЁТ ТАРИХИ ВА РИВОЖИ



Тарихга бир назар

Таъкидлаш лозимки, тарих ўтмиш ва келажакнинг кўзгуси ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир тиббиёт ходимини мамлакатимиз тиббиёт тарихи, қолаверса, унинг ривожини қизиқтириши табиий. Бугунги мавзумиз "Ўзбекистонда тиббиёт тарихи ва ривожини" га бағишланган бўлиб, унда бир-бирига ҳамоҳанг бўлган фикрларнинг гувоҳи бўласиз.

Мамлакатимиз худудда қадимда яшаган халқларнинг тиббиёти ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотларни зардуштийлар китоби "Авесто"дан топамиз. Унинг "Вендидат" бобида ёзилишича, биринчи бўлиб, Трита исмли киши табиблик билан шуғулланган. Айни пайтда Трита "Хаома" деб аталувчи маст қилувчи ва наркотик хусусиятга эга ичимликни кашф этган ҳамда уни ҳаёт ва саломатлик манбаи деб атаган. "Авесто"да одам анатомияси ва физиологияси ҳақида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд. Унда одам гавдаси суяк, мускул, ёғ, мия, томир, қон, жигар ва жигар ўти ҳамда икки хил томирдан иборатлиги қайд этилган.

БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Муқаддас ислом дини минтакамизга келганидан сўнг бошланган тарихий давр Биринчи Ренессанснинг ҳақиқий пойдевори бўлди. Унинг таъсирида XI асрда фаолият кў-

ратган Хоразм Маъмун академиясида замонасининг машҳур олимлари, жумладан, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий, Абулхайр ибн Хаммор, Абу Саҳл Исо ибн Яхё ал-Масихий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Мискавайх ва бошқалар бўлган. Бу олимлар Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистоннинг илм-фандаги ютуқларини

ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарган.

Абу Саҳл ал-Масихий буюк табиб Абу Али ибн Синонинг устози бўлган. Устозидан ўзган шогирд жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган. Чунки у ўз давридаги фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзгани қайд этилган, лекин бизгача улардан 242 таси етиб келган. Бу асарлардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолгани мантик, психология, астрономия, математика, муסיқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган. Айниқса, унинг тиббиёт ва фалсафага оид китоблари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима этилиб, асрлар давомида қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда. Шарқ мамлакатларида "Шайх ур-раис" (до-нишмандлар сардори) номи

билан, Ғарбда эса Авиценна сифатида машҳур. Буюк алломанинг "Тиб қонунлари" асари Европа университетларида бир неча аср мобайнида дарслик сифатида қўлланган.

ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ШУҲРАТИ

Иккинчи Ренессанс, яъни теурийлар даврида ҳам тиббиёт ривожига катта аҳамият берилган. Масалан, Самарқандда "Дор уш-шифо" (Шифо маскани) номи йирик шифохона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиби — Мир Сайид Шариф Шерозий раҳбарлик қилган. Шу даврда Самарқандда бошқа машҳур табиблар, жумладан, Мансур ибн Муҳаммад, Мавлоно Файзуллох Табризий ва Ҳисобиддин Иброҳим Кирмоний фаолият олиб борган. Шифохоналарда ишловчи табибларга юқори маош тўланган, ҳукмдорларнинг махсус фармони билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар, тарихнавис ва муҳандисларнинг маошига тенглаштирилган.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БЎСАФАСИДА

Мустақиллик йиллари, хусусан, охириги беш йилда соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2020 йилда 73,7 ёшга ошди. Оналари ўлими кўрсаткичи 3,1 баробар камайиб, 100 минг нафар тирлик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди. Чақалоқлар ўлими ҳам 3,1 баробар камайиб, 1000 нафар тирлик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш да-

ражаси 96-98 фоизлик кўрсаткичда қатъий сақланиб турибди. Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирлари ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), шунингдек, полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қокшоли, маҳаллий безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан аҳолини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди.

Саъй-ҳаракатлар самараси туфайли мамлакатимизда полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинган тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди. Тиббиёт тизимига малакали кадрларни тайёрлаш учун юртимизда бир неча олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч, Термиз, Фарғона филиаллари, Тошкент тиббиёт педиатрия институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент фармацевтика институти, Қорақалпоғистон тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти малакали кадрларни тайёрлаб бермоқда.

Мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазасига ҳам

катта эътибор берилмоқда. Масалан, ўтган йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга етти турдаги витамин, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатиляпти. Бу жараёнга 2021 йилда 11 миллион нафар аҳоли қамраб олинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 17 миллион нафарга етади. Бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган. Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар, шунингдек, паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоиз камаяди.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлагани учун кутилмаган пандемия қарши-сида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди. Худудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди. Ўз пайтида қўрилган тезкор ва тизимли чоралар натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади ва натижада юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, профессор

Таракқиёт стратегияси

ТИББИЁТГА ДОИР 11 ТА УСТУВОР МАҚСАДНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ



Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Таракқиёт стратегияси "Инсон қадри учун 100 та мақсад"ни ўз ичига олган. Шундан 11 таси бевосита тиббиёт соҳасига дахлдор.

– Стратегияда тиббиёт тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолига янада яқинлаштириш, бир сўз билан айт-

ганда, халқимизни рози қилиш бош мезон этиб белгиланди.

Улар қуйидаги энг устувор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

- бирламчи тизимда аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;
- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш;
- иқтисослашган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш.
- Таракқиёт стратегиясида кўзда тутилган барча масалалар "Давлат – инсон учун" деган эзгу гояни ҳаётга татбиқ этишига қаратилган.

КАСАЛЛИКЛАР ЭРТА БОСҚИЧДА АНИҚЛАНАДИ

Касалликни самарали даволашнинг биринчи ва энг муҳим шартини — тўғри ташхис. Қолаверса, хасталиклар қанчалик эрта аниқланса, беморлар саломатлигини шунча тез тиклаш имконияти пайдо бўлади, оғир асоратларнинг олди олинади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Таракқиёт стратегиясидан бу йўналишда ҳам қатор устувор вазифалар ўрин олган.

Жумладан, хонадонбай тиббий профилактика кучайтирилиб, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолида:

– онкологик,



- бўғоқ,
- қандли диабет
- юқори қон босими,
- инсульт,
- инфаркт касалликларини эрта босқичларда аниқлаш йўлга қўйилади.

- 30 - 55 ёшдаги аёллар орасида бачадон бўйни;
- 45-65 ёшдаги аёллар орасида сут бези саратонини эрта аниқлаш учун текширувлар ўтказилади.

Бундан ташқари:

@ssvuz

ШИЖОАТ ВА МАШАҚҚАТ ҲАМОҲАНГЛИГИ

1-СОН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИДАН МАХСУС РЕПОРТАЖ

COVID-19

Коронавируснинг яна бир тўлкини билан қаршилашди. Ҳозир унга қарши курашиш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Карантин талаблари қучайтирилди, дунё тажрибасига асосланиб болаларни ҳам COVID-19га қарши эмлаш тавсия этилди ва ҳоказо.

Янги тўлкиннинг аввалгиларидан фарқли ва ўхшаш томонлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Назаримизда, бу жиҳатларнинг энг муҳими, инфекциянинг болаларда қайд этилиши кўпайиб бораётганидир.

Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонаси худудига кириб борар эканмиз, шу ўйлар хаёлимиздан ўтади. Бу шифохонада одатий беморлар билан бирга, болалар ва ҳомиладорлар ҳам коронавирусга қарши даволанади.

КАСАЛЛИК ИЮЛЬ ОЙИДАГИ КАБИ ТЕЗ ТАРҚАЛМОҚДА, АММО...

Муассаса мутасаддилари кейинги кунларда мурожатлар сони ошганини тасдиқлади. Касаллик тарқалиши анча камайган ҳолатларда ҳам 400-500 нафар бемор даволанган шифохонада бугун беморлар сони 2-3 баробар кўпайган.

Бу ердаги туғруқ мажмуаси ва болалар бўлимида умумий беморларнинг учдан бир қисми даволанмоқда.

Ўтган йили пандемиянинг юртимиздаги энг юқори чўққиси июль ойига тўғри келган эди. Ўшанда муассасада 2000 нафарга яқин бемор даволанган. Ҳозирги кўтарилиш билан ўтган йилги тўлкинни ўзаро солиштирганда, асосий фарқ эндиликда оғир аҳволдаги беморлар сал-

ликка қарши курашаётганига гувоҳ бўламиз. Бир қарашда 1000 нафардан ортиқ касалга нисбатан 100 дан ортиқ оғир ҳолат ижобий кўрсаткичдек кўринади. Лекин мамлакатдаги энг йирик коронавирусни даволовчи шифохоналардан бирида шунча бемор вирус сабаб ўлим билан олишаётгани сизу бизни сергаклантириши керак.

МИКС-ИНФЕКЦИЯ! БУ ЯНГИЛИКМИ?

Касалликнинг кечиши, унинг намён бўлиш белгилари ҳақидаги саволлар билан яна мутахассисларга юзланамиз. Муассаса директори



моғи аввалгидан камроқ эканида кўринади.

Демак, Зангиота шифохоналаридаги ҳолат бутун дунё олимлари таъкидлаётган фикрларни тасдиқлайди: вируснинг юқувчанлиги ошиб, оғир ҳолатлар нисбатан камайиб бормоқда.

Мурожаатлар кўпайиши билан шифокорларнинг иш юкласи ҳам ошган. Тўғри, беморларнинг аксариятига амбулатор ёрдам кўрсатиляпти. Лекин шунинг ўзи ҳам касалликнинг янги тўлкини қучайиб бораётганини тасдиқлайди.

Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимида 100 нафардан ортиқ бемор касал-

ўринбосари Ҳилола Алимованинг таъкидлашича, коронавирусни даволаш жараёнида мутахассислар микс-инфекция, яъни коронавируснинг турли штаммлари симптомларининг ўзаро биргаликда намён бўлишига дуч келишмоқда.

“Дельта” штаммида ўпка зарарланиши юқори экани кузатилган эди. “Омикрон”нинг эса юқумлилиги даражаси ўта баланд, касалликнинг кечуви нисбатан енгил. Ана шу белгиларнинг биргаликда кечиши ҳолатлари амалиётда тасдиқланмоқда. Бу — огоҳлик сигнали! Вирус яшаб қолиш учун курашмоқда.

“ИХТИСОСЛАШИБ” БОРАЁТГАН КОРОНАВИРУС

“Омикрон”нинг аввалги штаммлардан яна бир фарқи ҳам бўлиб, бу — болаларда ва ҳомиладор аёлларда кўп қайд этилаётганидир! Аммо касалликнинг кечуви бу икки тоифада ҳам ўзаро фарқ қилаётганини кўриш мумкин.

Амалиётда ҳомиладорларда ўпка зарарланиши 5 фоизга ҳам етмаса, болаларда



лажалар ўзини мутлақо оқламаслиги, тўғри ва вақтида қўлланган чоралар билангина вирусни енгиш мумкинлиги ўз исботини топмоқда.

БАРЧА ЙЎЛЛАР ВАКЦИНАГА ОЛИБ БОРАДИ

Вирусга қарши энг яхши профилактика шахсий гигиена қоидаларига мунтазам амал қилиш экани қайта-қайта тақдорланиши ҳам кимгадир ёқмас, эҳтимол. Бирок, маълум бўлишича, коронавирус туфайли болаларнинг мунтазам қўл ювиш қоидаларига амал қилишлари натижасида пандемия даврида вирусли гепатит ва бошқа ичак касалликлари тарқалиши кескин камайган.

Бугун шу каби қоидалар билан бирга вирусга қарши эмланиш ҳам COVID-19 дан халос бўлишнинг энг самарали чораси бўлиб турибди.

Касалланиш эҳтимоли юқори бўлган қатлам — болаларнинг 12-18 ёшгача бўлган қисми ҳам эмланишга рухсат берилган.

Болаларни коронавирусга қарши эмлашдан мақсад учта:

- касалликнинг олдини олиш;
- вируснинг ташувчиси бўлиб қолмаслик;
- хасталикни асоратларсиз ўтказиш.

Бутун дунёда болалар ўлимининг кескин камайишига айнан оммавий вакцинациялар сабаб бўлганини эсласак, бу чорага яна бир бор ишонч билдиришимиз кераклиги ойдинлашади.

Бугун коронавируснинг асосий нишонларидан бири бўлаётган ҳомиладор аёллар эмланиши мумкин эмас. Бу уларнинг касалликка чалиниш эҳтимолини янада оширади. Хўш, нима қилиш керак?

Мутахассиснинг тавсияси қуйидагича: ҳомиладорлар эмланиши мумкин эмас экан, унинг атрофидагилар эмланиши, шу билан бўлажак оналарни ва туғилажак чақалокларни ҳимоя қилиш лозим.

60-70 фоиз ҳолатларда пневмония белгилари намён бўлмоқда. Айниқса, 1 ёшгача бўлганларда бу жараён оғирроқ кечаяпти.

Болаларда диарея белгилари кўриниши ҳам коронавирус янги штаммининг ўзига хосликларидан дейиш мумкин.

Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимида ётган беморларнинг 90 фоизи вакцина олмаган фуқаролар экани ҳам хулоса қилиш учун етарли асос.

Хўш, қолган 10 фоизи-чи, ахир, улар вакцина олган эди-ку, десангиз, бу беморларнинг сурункали ёндош касалликлари борлиги маълум бўлади.

Шифохонага мурожаат қилганларнинг ҳам енгил ҳолатдагилари, асосан, коронавирусга қарши вакцина олган фуқаролар бўлиб, касаллик оғир кечаётганлар эмланмаган аҳоли вакиллари бўлиб чиқмоқда.

БЕМОРЛАР ҚУЛОҚ ОҒРИГИДАН ҲАМ ШИКОЯТ ҚИЛИШГАН...

“Омикрон”нинг аввалги штаммлардан кўра енгил кечаётгани хотиржамликка са-

баб бўла олмайди, албатта. Янгича вирус юрак ва буйрак соҳаларида асорат қолдириши таъкидланмоқда. Шундай хавф мавжуд экан, қандай қилиб вирусдан эҳтиёт бўлмаслик керак?

Томоқ соҳасидаги каттик оғриқ, бурун оқиши, бош оғриғи, диарея ҳозирги штаммнинг асосий симптомлари экани кўп марта таъкидланди. Иситма чиқиши ҳам айрим ҳолатларда кузатилмоқда. Баъзида беморнинг аъзойи бадани оғрий бошлайди. Аммо, Ҳ.Алимованинг маълум қилишича, коронавирусга чалинган беморларнинг айримлари қулоқ оғриғидан шикоят қилган ҳолатлар учраб турибди.

“АГРЕССИВ ТЕРАПИЯ” ЎЗИНИ ОҚЛАМАЙДИ

COVID-19 нинг аввалги тўлкинларида аҳоли ваҳимага тушиб, ким нима тавсия берса, ўшани синаб кўришга киришиб кетганди. Мутахассис бўлмаган шифокорлар ҳам, кези келганда, кўчада юрган оддий фуқаро ҳам коронавирусни даволаш бўйича ўз “тавсия”ларини қалаштириб ташларди. Шу сабабли ҳам уй шароитида антибиотик ва гормонларни ўзбошимчалик билан қўллаш ҳолатлари кўпайиб қайд этилган.

Бундай ҳолатлар бугун юз бермаяпти, деб айта олмаймиз. Ҳозир асосан енгил кўришида ўтаётган касалликка қарши бундай агрессив муо-

Зангиота 1-сон юқумли касалликлар шифохонаси, хусусан, муассасанинг болалар ва туғруқ бўлимларида даволанётган беморлар ҳақида муҳим маълумотларни олиб ортга қайтар эканмиз, шифохона директори Анвар Ҳусановнинг қуйидаги гаплари қулоғимизда қолди: “Коронавирусни даволаш бўйича тажриба барча давлатларда бир вақтнинг ўзида шаклланимоқда. Биз ҳам пандемия даврида катта тажриба ва миллий мутахассислар захирасига эга бўлдик. Ўзбекистоннинг бу борада ўз мактаби пайдо бўлди, бу — Зангиота мактаби!”

"...ВА ЛЕКИН ТИББУ ҲИКМАТ ҲАМ ЭРУР ХЎБ"

Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги



Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо улар орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу – ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнати ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олийжаноб инсоний фазилатлар камол топади. Устозни улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Дунё буюкларининг замон ва макон билмас ижодий мероси башариёт учун ҳамиша сабоқ, ибрат ва даъват мақомида барқарор бебаҳо бўлиб қолавериши боқий ҳаёт ҳақиқатларидан биридир. Атоқли навоийшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ганиева гурурланиб ёзганидай: "Халқ билан мулоқот, унинг бахт-саодати учун курашиш, орзу ва интилишларини амалга ошириш, куйлаш, халқ лар дўстлигини тараннум этиш, ардоқлаш Навоий барча халқлар томонидан беҳад севилишига, асрлар мобайнида ўз асарлари билан номи ўчмаслигига сабаб бўлди".

Навоий эзгу ниятлари ушатиши учун шахсий бойлигини элга нафдор масканлар қуришга ҳаржлаган. Бунинг ортида шахсий даромад топиш илинжи турмаган. Олийҳимматлиги шу даражада эдики, бир бинони битказмай туриб, иккинчисини тиклашга қўли гул инсонларни жалб этверган, бош меъмор эса қўпроқ ўзи бўлган. Жамоат тўпланадиган, фойдаланадиган, тоат-ибодат қиладиган, яшайдиган, билим оладиган, покланадиган 300дан ортик иншоотларни барпо эттиришга эриш-

ганки, шунинг ўзиёқ Навоий химматининг чеки йўқлигидан ёркин далолатдир. Улар ичида бевосита ва билвосита тиббиётга алоқадор масжид, хонаоҳ, мадраса, ҳаммом, кўприк ва ховузларнинг борлиги ғоят эътиборга молик эмасми?!

Навоийнинг ҳар бир жамоат биноси, шу жумладан, саломатлик масканларини зўр хафсала билан, сурату сийратини уйғунлаштирган тарзда тиклашга, ундан сўнг бунёд қилинган вақти-ю, бажарадиган вазифаларини мужасамлаштириб, гўзал номлар қўйишга одатланганим ғоят диққатга сазовор. Масалан, "Ихлосия" мадрасасининг номи кадрдон дўсти ва рағбаткори Хусайн Бойқарога беҳад ихлоси, миннатдорчилиги тимсолидир. "Сафоия" ҳаммомининг номи озодлик ва поклик маъносини ифодалайди. Нақадар шоирона ва халқона чиройли номлар берилганки, бугунги авлод бунёдкор бобосидан ибрат сабоғини олса арзийди.

Ул зот томонидан "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия" ва "Хусравия" аталмиш 4 та мадраса курдирилган, жиҳозлан-тирилган, мударрислар (ўқитувчилар) билан таъминланган. Номиданок қандай илм-

лардан сабоқлантириши аён бўлган "Шифоия"га тўхталайлик. Бу исми жисмига монанд муассасада талабалар ҳам ўқитилган, ҳам беморлар даволанган. Хондамир "Дор уш-шифо" деб атаган "Шифоия"ни академик В. В. Бартольд русча "Больница"га тенглаштиради. Аввал бинонинг ўзига тавсиф берсак: Инжил ариғи ёқасидаги "Ихлосия" мадрасаси рўпарасида тикланган. Мовий гумбазли. Деворлари қизил гиштдан. Ҳовлили. Саҳнига ҳатто яқиндаги тоғнинг ёқимли "нафаси" - майин шабадаси эсиб туриши ёзилган.

Навоийнинг шифохонасида ўз замонидаги бошқа мадрасалардан фарқли равишда фаолият юритилган. Яъни ҳозирги тиббиёт институтига ўхшаш тарзда бўлган, десак ҳам янғи лишмаймиз. Ахир "Шифоия"нинг шухрати қўшини юртларгача кетганини шаҳодатловчи маълумотларга эгамиз. Биргина мисол. Самарқандда яшаётган Хожа Носириддин Убайдуллоҳдек улуғ инсон хасталаниб қолганида нажот истаб Навоийга хабар йўллаган, даволаш учун моҳир табиблардан жўнатишини сўраган. Албатта, Навоий зудлик билан Хожа Аҳрор Валий хузурига мударрис Мавлоно Низомиддин Абдулхай табибни юборди.

Шунингдек, ўша замонда Навоий илтифоти билан Муҳаммад Муъин, Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворий, Дарвишали, Абдулхай Туний сингари "Мавлоно" ва "Табиб" нисбалари билан улуғланган тиббиёт илмдорлари камолот касб этишган. Улар мударрис-табиблик мақомида юксак мартабага етишишган. Ҳар бирлари "серкирра салохият"га эга бўлишса-да, ўз фаолиятларида маълум соҳада ихтисослашишимизга урдасидан чиқишган. Чунончи, Мавлоно Муҳаммад Табиб тиббий тарғиботга эътиборини кучайтирган. Даволашга доир рисо-лалар битган.

Табиб ва олим тўғрисида Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" рисоласида қуйидаги қимматли маълумот келтириб ўтилган: "Олимнинг чехраси турли илм ва фазилатли фанлар билан безатилган, айниқса, шарофатли тиб илмида зўр маҳорат ҳосил қилган. Чунончи, шу вақтда Илоқийнинг (Ибн Сино замондоши) "Даво усуллари"га вақт талабига лойиқ хошия ёзиб, уни аъло ҳазрат Алишернинг шарофатли номлари билан бегаган".

Навоий яхши билардики, қўлида дори-дармони йўқ табиб, гўёки камон-ёйсиз мерган-овчидек ожиз тураверади. Бемор танасини эгаллаётган "ёв"ни даф этишга қурби етмайди. Табибларнинг муолажа воситаси-турли гиёҳлардан тайёрланган шифобахш ўтлар, суюкликлар, малҳам суртма-

лар ҳамиша "Шифоия"да тахт туриши учун қайғургани аниқ. Хондамир "... кишилар до-ру-дармон ҳамда дору ичимликларни ҳамма вақт ўша му-борак жойдан топиб келадилар" деб бизни воқифлайди.

Бундан яна бир ҳолатни сезишимиз мумкинки, ул зотнинг шифохонаси қошидаги дорихонанинг тиббий маҳсулотлари бошқа ердагилардан кўра арзон баҳода сотилганига шубҳа йўқ. Чунки, Навоий учун халқ саломатлиги йўлида ишлаётганларнинг аксарияти аввалдан маълум эди. Уларнинг мижози кўллигини, манзур хизматини мамнуният билан китобларига муҳрлаган. Хожа Али ибни Ҳасан Қирмоний ҳақида "... Дорихонаси бор эрди ва иши тартиб ва низом била эрди қалин муридлик ва яхши муомалалиғ даъвиси бор эрди" дейди "Насойим ул-муҳаббат" асарига.

Тарихдан аёнки, ўша XV асрда Ҳиротнинг ўзида бир неча жамоа шифохоналари халққа хизмат қилган. Улар ўртасида Навоий курдирган ва доимий хомийлигида, назоратида иш юритган тиббий муассаса тезда алоҳида нуфуз топди. Бироқ кўнгли эзгуликларга тўла қўли узун зот шу билангина кифояланиб қолмади. Хуросон ҳукмдори Султон Абусаиднинг (1459 - 1469) катта хотини Маҳди улё Милкат оға томонидан шахар ичкарасида қурилган "Дор уш - шифо"га ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қаровсиз касалхона таъмирланди. Қайтадан одамларнинг нажотгоҳига айлантирилди. Шахсан ул зотнинг илтифоти ила Мавлоно Дарвишали табибга шифохона мударрислиги топширилди.

Содиқ САЙҲУН.

Помним, чтим, гордимся!

ПОСВЯЩАЕТСЯ СВЕТЛОЙ ПАМЯТИ

АССОЦИАЦИЯ ВРАЧЕЙ УЗБЕКИСТАНА С ПРИСКОРБИЕМ УЗНАЛА О КОНЧИНЕ НА 79 ГОДУ ЖИЗНИ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ КАРАКАЛПАКСТАНСКОГО РЕСПУБЛИКАНСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ АССОЦИАЦИИ ВРАЧЕЙ УЗБЕКИСТАНА МАМБЕТКАРИМОВА АБДУКАРИМА МАМБЕТКАРИМОВИЧА

После окончания в 1966 году педиатрического факультета Ташкентского Государственного медицинского института Абдукарим Мамбеткаримович начал свою трудовую деятельность в должности главного врача сельской участковой больницы Кегейлийского района Республики Каракалпакстан.

В 1973 году был назначен первым заместителем главного врача этого района, а с 1976 года работал главным врачом Нукусской ЦРБ. В 1981-1984 годах он работал на должности Министра здравоохранения Республики Каракалпакстан и уделял большое внимание улучшению качества медицинской помощи и укреплению материально-технической базы лечебно-профилактических учреждений. В эти годы было начато строительство типовых ЦРБ в Турткульском, Эликкалинском, Караузьякском, Тахтакупырском, Канлыкүльском районах, городской объединенной больницы в городе Нукусе, Республиканской инфекционной больницы, Респу-

бликанской стоматологической поликлиники, Нукусского медицинского училища № 1, новых типовых зданий «Тиб-таъминот» и кислородной станции.

Абдукарим Мамбеткаримов активно совмещал свою организаторскую деятельность с общественной и в 1968-1973 годах избирался депутатом сельсовета, 1974-1976 годах – депутатом Кегейлийского райсовета, 1977-1981 годах – депутатом Нукусского райсовета. Вместе с тем, он также являлся депутатом Верховного Совета Республики Каракалпакстан.

Абдукарим Мамбеткаримович активно участвовал в создании и становлении Ассоциации



врачей Узбекистана и Каракалпакстанского Республиканского отделения. В 2001 году был избран председателем Каракалпакстанского Республиканского отделения Ассоциации врачей Узбекистана, что говорит о доверии и уважении к нему медицинских работников республики. За эти годы он в разы увеличил количество членов Ассоциации.

Каракалпакстанское Республи-

канское отделение является одним из передовых отделений и не раз реализовывало гранты Фонда поддержки негосударственных некоммерческих организаций Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Кроме того, Ассоциация врачей Узбекистана не раз награждала

А. Мамбеткаримова почетными грамотами и объявляла благодарность за высокие достижения в профессиональной деятельности.

На всех этапах трудовой деятельности А.Мамбеткаримов показывал высокое чувство ответственности, компетентность, эрудицию, стремился внедрять но-

вое, умел не только давать предложения, но и внедрять их в практическую жизнь.

Мы знали Абдукарима Мамбеткаримовича, как человека с сильной волей, твёрдым характером, честным и требовательным к себе и к окружающим. Одновременно с этим он был коммуникабельным человеком, умел найти индивидуальный подход к каждому, относился к своим подчинённым и коллегам уважительно, создавал необходимые условия для плодотворной работы, был готов прийти на помощь в трудную минуту. Всегда был верен своему профессиональному долгу – слушать и помогать людям.

Ассоциация врачей Узбекистана выражает искреннее соболезнование родным и близким Абдукарим Мамбеткаримовича. Светлая память об этом замечательном человеке и истинном подвижнике навсегда сохранится в сердцах его близких, друзей, коллег и учеников.

Зафар СИДИКОВ,
председатель Ассоциации врачей Узбекистана.

МАЪРИФАТ ЗИЁСИН СОЧГАН УСТОЗ!

Эҳтиром

Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо улар орасида энг улуг ва шарафлиси, бу – ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматқаш устоз-мураббийларнинг меҳнати ва тарбияси тўғрисида қалбларимиз покланади, дилимизда олийжаноб инсоний фазилатлар камол топади. Устозни улуг деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳақиқат ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан миллий истиқлол гоёси, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига етказишда, тарбия ва таълимни узвий олиб боришда ўқитувчининг ҳиссаси бебаҳо. Устозлар бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зехнларини, қалб кўри-ю, меҳру тафтини шогирдларига бахшида этган заҳматқаш инсонлардир.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз устозликнинг юксак мақомини шундай ажойиб сўзлар билан таърифлайди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила.*

Ҳақиқатдан ҳам киши қалбига илм ва маърифат нурларини олиб киришда, ҳаётда муносиб ўрнини топишда устозларимизнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг меҳнатларини ҳеч бир нарса билан баҳолаб бўлмайди. Мана шундай жонкуяр устозларимиздан бири Эргаш ака Ашуровдир.

Устоз 40 йил Сурхондарё вилояти Қумқурғон тумани Сафар Бойматов маҳалла фуқаролар йиғинидаги Янгиер маҳалласидаги 7-умумтаълим мактабида ўз фаолиятини олиб борди. Даставвал 12 йил мазкур таълим масканида илмий бўлим мудир, 2007-2009 йиллар давомида мактаб директори, 2010-2013 йилларда мактаб мониторинг гуруҳи раҳбари лавозимларида фаолият юритди. Сурхондарё вилояти Қумқурғон тумани Халқ таълим бошқармасининг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, маҳалла аҳолиси ва ёшлари ўртасида маънавий-ахлоқий фазилатларини янада юксалтириш, онги ва дунёқарашини миллий қадриятларимизга ёт унсурлардан ҳимоялаш, интернет тармоқлари томонидан бўлаётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Шунингдек, маҳалла аҳолиси ва ёшларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳи-

моя қилинишини таъминлаш, улар ўртасида ватанпарварликни тарғиб қилиш, назоратсизлик ва ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олиш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган мавзуларда доимий равишда маънавий-маърифий тадбирлар, очик мулоқотларни ташкил этди. Бу каби саъй-ҳаракатлари, фидокорлиги, ўз касбига нисбатан садоқатлилиги боис 2016 йилда “Халқ таълими аълочилиси” унвони билан мукофотланди. Ҳар қачон устозни йўқлаб мактаб сари борсак, шогирдлари даврасида, ёшларга сабоқ ва таълим бериш жараёнининг устидан чиқамиз. Уларни кузата туриб, бу каби олийжаноблик, меҳр-муруватлилиги, ўз касбига нисбатдан садоқатлилиги сингари фазилатларини ва ёшларнинг эртанги кунига бўлган жонкуярлигини кўриш мумкин. Шунингдек, улар билан суҳбатлашар экансиз, инсонлар қалбига эзгуликни тарғиб этиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга садоқатли ворис бўлиш ҳақида эл қорига яраб, ўзгалар оғирини енгил қилиш истаги билан ёниб яшашини илғайсиз. Устоз ўз шогирди ютуғини кўриб ҳар бир даврада гўё ўзи юксак унвонга эришгандек қувонар ва бундан фахрланадилар. Ҳамда ўз шогирди эканлигини фахр билан тилга оладилар ва келажак авлод вакилларига шогирдлари эришган ютуқларни сўзлаб бе-

рар ва уларни ҳам мана шунга даъват этар эдилар. Ҳар доим илмли инсон юксак марраларни забт этиши ва илмнинг этагини тутган инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини такрор ва такрор уқтиришлари инсон ёдига тушади. Ҳақиқатда устоз меҳнатини кузата туриб бу каби олийжаноблик, фидокорлик, ёшларнинг баркамол, комил инсон бўлиб вояга етишлари ва асосийси юртнинг қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қиладилар. Биз каби шогирдлар уларга ҳар қачон ҳам ҳавас кўзи билан боқамиз ва уларга ўхшашликка интиламиз.

Эргаш ака Ашуров тўрт фарзанднинг отаси. Уларнинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, педагог сифатида фаолият олиб бормоқда. Устоз хонадонига ташриф буюрганимизда доимо меҳнатда, уй юмушлари ёки бўлмаса маҳалла оқсоқоллари, ёшлар даврасида кўрамыз. Шунда аёллари Гулнора опадан устозимиз ҳам дам оладиларми деб сўраганимизда улар қулиб, агар дам олиб ўтирсалар қалб бўлиб қоладилар, нима би-

ландир банд бўлишлари керак дея ҳазил аралаш жавоб бердилар. Шунда устозимизнинг “Меҳнат инсонни тоблади”, “Меҳнатнинг таги роҳат” ёки “Меҳнат қилган инсон эл назирада, эъзозиди бўлади”, - дея таъкидлаган сўзлари ёдга келади. Улар томонидан қилинган маърузаларни тинглаб, инсон яна улар суҳбатда бўлиш истаги билан ёниб яшайди. Доимо уларнинг дарсларини барча ўқувчилар интиқлик билан кутади. Улар сўзида инсон қалбига хуш ёқувчи оҳангларнинг ранг баранглиги, жилқорлиги, майинлиги ва асосийси мазмун-моҳиятнинг юксак даражада эканлиги билан такрорланмасдир. Айниқса аждодларимиз ўғитларини, уларнинг бой меросларини тарғиб этар экан, инсон гўё ўтмишга саҳват қилгандек бўлади.

Шу боис, устозларимиз ўғитлари бизни фақат эзгулик сари етаклайди. Улар сўзида ёшларни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, қалбларида эзгулик нашидаси барҳаёт бўлишини, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга садоқатли ворис бўлиб камол топишга ундайди ҳамда руҳий покликка ўргатади.

Шу ўринда устозимиз Эргаш ака Ашуровга дунёдаги эзгу ниятлар ижобатлигини, эл эътирофига, эъзозига муносиб бўлиш бахти тарқ этмаслигини тилаб, яқинларингиз ва шогирдларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг деймиз. Ҳар доим элнинг назарида, эъзозиди бўлиш бахти Сизни тарқ этмасин.

Нигора АШУРОВА,
Тошкент фармацевтика институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

ИММУНИТЕТ НЕ ЗАВИСИТ ОТ НИЗКОГО УРОВНЯ АНТИТЕЛ У ПЕРЕБОЛЕВШИХ COVID-19

АКАДЕМИК РАН ЗВЕРЕВ: У ПЕРЕБОЛЕВШИХ COVID-19 ФОРМИРУЕТСЯ ИММУНИТЕТ И БЕЗ АНТИТЕЛ

Низкие титры или полное отсутствие антител к коронавирусу после перенесенной болезни не означают отсутствие у человека иммунитета против COVID-19, пишут "Известия" со ссылкой на академика РАН Виталия Зверева.

Научный руководитель НИИ вакцин и сывороток им. И. И. Мечникова на заседании думской рабочей группы по вопросам исследования клеточного иммунитета и его роли в борьбе с COVID-19 рассказал, что люди, выздоровевшие после COVID-19, могут иметь неопределяемый или низкий уровень иммуноглобулинов.

Однако иммунитет "демонстрирует" себя, поскольку если в организм повторно проникает возбудитель, клетки памяти находят его и ак-

тивизируют защиту. "У нас есть несколько пациентов, которые переболели COVID-19, потеряли полностью антитела, через месяц точно получили дозу заражения, но никто из них не заболел ни в какой форме", — добавил Зверев.

Ранее главный внештатный специалист по инфекционным болезням Минздрава профессор Владимир Чуланов заявил, что уровень антител к коронавирусу не может быть основанием для принятия решения об иммунизации. Ученый согласился с доводами ВОЗ о том, что такой подход не имеет под собой научных оснований. По его словам, проверять титры иммуноглобулинов перед вакцинацией — пустое занятие.

Ria.ru.

НАПИТОК, ПОМОГАЮЩИЙ ОТ ГИПЕРТОНИИ

Фитотерапия

Ученые назвали апельсиновый сок средством для снижения давления

Большая порция апельсинового сока снижает артериальное давление, а регулярное потребление этого напитка позволяет избежать проблем с сердцем, пишет Daily Express.

Доктор Кэрри Ракстон из научного центра Fruit Juice Science Centre (Бельгия) рассказала о свойствах популярного напитка. Она отметила, что один стакан апельсинового сока ежедневно на три миллиметра ртутного столба снижает систолическое артериальное давление и почти на два миллиметра ртутного столба — диастолическое артериальное давление.

"И апельсины, и апельсиновый сок содержат растительный полифенол, называемый гесперидином, который расслабляет наши кровеносные сосуды, облегчая организму контроль артериального давления. Он эффективнее усваивается из сока, чем из цельных апельсинов, потому что небольшое количество клетчатки в целых апельсинах препятствует поглощению гесперидина организмом. Апельсиновый сок также выступает источником калия, что помогает контролировать кровяное давление", — объяснила Ракстон.

По словам специалиста, гесперидин в человеческом организме при переваривании превращается в гесперетин.

"Новое соединение в нашей крови, называемое гесперетин, помогает ослабить кровеносные сосуды, что оказывает значительное влияние на кровяное давление, особенно у людей, подверженных риску сердечно-сосудистых заболеваний", — добавила она.

По данным Всемирной организации здравоохранения, на конец 2020 года гипертонией страдали более чем миллиарда человек в мире, две пятых людей не знают о своем диагнозе, лишь каждый десятый гипертоник проходит лечение.

БУСТЕР ДОЗА БИЛАН ЭМЛАНИШ НЕГА МУҲИМ?



Вакцина олинг!

Пандемия даврида коронавирус инфекцияси ва унинг оғир асоратларидан қутилишнинг энг самарали йўли касалликка қарши эмланиш экани бугун барчамизга аён. Шу сабабли дунё олимлари инсониятни вирусга қарши тўлиқ дозаларда вакцина олишга, агар олган бўлса, бустер доза билан эмланишга чақирмоқда. Хўш, бу тавсия қанчалик муҳим? Ушбу доза билан кимлар эмланади?

2021 йилнинг 1 апрелидан мамлакатимизда аҳолини коронавирусга қарши оммавий эмлаш тадбирлари бошланиб, шу кунгача жами 7 турдаги 49,8 млн. дозадан ортиқ COVID-19га қарши вакцина олиб келинди. Яқин ойларда юртимизга яна 12 млн. доза вакцина келтирилиши кутиляпти. Маълумки, ҳозир коронавирус касаллиги тез-тез мутацияга учраб, ташқи муҳитга мослашмоқда. Бу эса унга қарши курашиш усулларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Хусусан, айтилган пайтда дунё экспертлари касалликка қарши тўлиқ дозаларда вакцина олган шахсларни бустер доза билан эмланишни тавсия қилмоқда. Сабаби

вақт ўтгач, эмлангандан сўнг ҳосил бўлган антитаначалар миқдори пасая бошлади ва организмни ҳимоя қила олмайдиган даражага тушиб кетади. Бустер доза билан эмланиш эса бирламчи вакцина олгандан кейин ҳосил бўлган иммунитетни юқори даражага кўтариб беради. Яъни, бу орқали организм

нинг курашувчанлик қобилияти ошади.

Бустер доза билан ҳозирча коронавирусга қарши 2 ёки 3 мартаба вакцина (тўлиқ эмлаш курси) олганлар бир бор эмланиши мумкин. Бунинг учун вакцинанинг биринчи дозаси олинганига 6 ой ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлиши лозим.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бустер доза вакцинадан фойдаланиш амалиёти профилактик тиббиётда анчадан бери мавжуд (шол, қизамик, қизилча, бўғма ва бошқалар) бўлиб, юртимизда қатор бошқарилувчи юқумли касалликларнинг олдини олишда қўлланилади.

Дилором ТУРСУНОВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизмати бўлим бошлиғи.

ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛИБ, ЯНГИ ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИЛАДИ

Тиббиётда иш юритиш

Бирламчи тиббиёт муассасалари ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳаддан зиёд кўп. Уларнинг асосий иш вақти турли журнал ва ҳисоботларни тўлдириш билан боғлиқ ортиқча жараёнларга сарфланмоқда. Оқибатда шифокорлар қабулида узундан узок навбатлар юзага келиб, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти чекланипти.

Шу сабабли бундан бир муддат олдин Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўтказилган учрашувда амалиёт учун фойдали бўлмаган ҳужжат ва ҳисобот шакллари кичик қисмларини қисқартириш юзасидан махсус ишчи гуруҳ тузилган эди.

Ўтган қисқа вақт ичида вазирлик томонидан тузилган ишчи гуруҳ бу борадаги вазиятни чуқур ўрганиб, мавжуд 26 турдаги журнал ҳамда 33 турдаги ҳисобот шакллари билан бир қисми амалиётда кераксиз, деган хулосага келди.

Масалан, аҳоли жуда кўп мурожаат қилган палларда қабул бўлими ҳамширасининг “Амбулатор-поликлиника муассасасига келганларни қайд этиш журнали”ни тўлдириши жуда кўп вақт йўқотилишига, оқибатда одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган

эди. Қолаверса, беморлар қабул бўлимидан рўйхатдан ўтгач, шифокор ҳузурига кириш учун яна рўйхатга ёзилиши зарур эди.

“Тиббиёт ходимларининг жароҳат ҳолатларини қайд қилиш журнали”га эса нохуш вазиятлар юз бермаса, ойлаб, ҳатто йиллаб эҳтиёж бўлмаслиги мумкин. Лекин ҳамшира ана шу ҳужжат турига ҳар кун “Бугун кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмади” деган мазмундаги қайдларни киритиб бориши шарт эди.

Яна бир мисол: оилавий поликлиниканинг муолажа ҳамшираси ҳар бир беморга “укол”

қилгач, буни бир нечта бланкалар, ҳатто махсус журналга ҳам “фалон дона шприц, фалон грамм спирт, фалон грамм пахта ишлатилди” деган маълумотлар билан ёзиб бориши лозим эди. Бу эса бошқа беморларнинг узок кутиб қолишига сабаб бўлаётган эди.

Ана шундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, шу йил 1 февралдан кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктларида юритиладиган 26 турдаги тиббий ҳисоб журналларидан 14 таси қолдирилди. Қолган 14 тасидан 10 таси соддалаштирилди. 33 турдаги тиббий карта ва бланкалар эса 14 тагача қисқартирилди.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланмаган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари билан фойдаланиш қатъиян ман этилди.

Энди шифокор ва ҳамширалар асосий вақтини ортиқча қоғозбозлик, яъни, ҳисоботу ҳужжатлар тўлдиришга эмас, балки бош вазифаси бўлган беморларни даволашга йўналтиради.

@ssvuz

Ўзбекистон Вврачлар ассоциацияси президиуми ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси
Абдукарим МАМБЕТКАРИМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси жамоаси бош шифокор муовини Зафар Абдашимовга падари бузруквори

Бахтиёр ота **АБДАШИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



“ОМИКРОН”НИНГ ЯНГИ МУТАЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛМОҚДА. ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ЭСА ҲАЛИ ЭРТА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, шу кунгача дунёнинг 57 та мамлакатидида “омикрон” штаммининг янги – ВА.2 мутацияси рўйхатга олинди.

Ушбу вариантни юқтирганлар сони ҳозир 27 минг нафардан зиёд. Касаллик, айниқса, Дания, Буюк Британия, Норвегия, Швеция, Италия, АҚШ, Ҳиндистон, Филиппин ва Жазирада кенг тарқалмоқда.

Мутахассислар фикрича, ВА.2 деб номланган ушбу мутация “омикрон”нинг ҳозирги ВА.1 кўринишидан ҳам юқумлироқ. Масалан, айтилган Данияда рўйхатга олинаётган коронавирусга чалиниш ҳолатларининг 79 фоизини шу турдаги инфекция ташкил этяпти. Буюк Британияда бу кўрсаткич 6, Ҳиндистонда 5, Швеция ва Сингапурда эса 2 фоизга тенг.

Буюк Британия Соғлиқни сақлаш хавфсизлиги агентлиги ВА.2ни “кузатув остидаги вариант” сифатида таснифлади. Ҳозиргача бу ерда 1072 нафар беморда ушбу вирус аниқланган. У аввалги мутацияга қараганда бирмунча тезроқ тарқалмоқда.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазир Сажид Жовиднинг айтишича, янги вариантнинг пайдо бўлиши ва тез суръатда тарқалаётгани эмланиш жараёни ўта муҳим эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

“Мен барча юртдошларимизни ўзлари ва яқинлари саломатлигини ҳимоя қилишга ва кучайтирувчи дозада эмланишга чақираман” — деди вазир.

Олимлар, шунингдек, 27 декабрдан 11 январгача бўлган даврда ўтказган таҳлиллари натижасида Буюк Британияда беморлар ВА.2 мутациясини 13,4 фоиз ҳолларда оила аъзоларидан юқтирганини аниқлади. Бу кўрсаткич “омикрон”нинг доминант вариантга нисбатан 3,1 фоиз юқоридир.

Янги мутацияни ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари тўлиқ якунланган йўқ. Шу боис ВА.2нинг хавфлилик даражаси ва асоратлари ҳақида аниқ хулосалар айтишга ҳали эрта.

Аммо ВА.2 тури фаол тарқалиши туфайли келажақда унинг доминант вариантга айланиши эҳтимоли юқори. Бу эса “омикрон” билан боғлиқ пандемия тўлқинининг давомийлигини ошириши мумкин.

@sanepidxizmat

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 584 нусха.
Буюртма Г-240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саноатчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.